Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 59 (21. 178) 1992 йил 24 март, сешанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

СИЁСИЙ МУВОЗАНАТ ДАВРИ БОШЛАНДИМИ?

КИЕВ УЧРАШУВИ ХОТИМАСИ

Суратда: учрашув пайти. Р. Нуритдинов (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Президенти Наврўзни икки марта — аввалига Киев заминида (самолёт Украина пойтахтидан учганда Тошкентда тун ярмидан оққан эди), сўнгра ўз халқи билан биргаликда кутиб олди.

20 март куни давлатимиз бошлиғи учун оғир кун бўлди. У аввалига МДҲда қатнашувчи давлатлар бошлиқларининг мажлисида раислик қилди, кейин эса журналистлар билан бўлган якунловчи учрашувни олиб борди. Мажлислар гарчи ёпиқ эшиклар ортида ўтган бўлсада, у ердаги қизғин музокараларнинг акс садоси матбуот марказига ҳам етиб келди.

Борис Ельцин журналистлар билан бўлган учрашувда кейинчалик шундай деди: «Бу мажлис зўр сабр-тоқат ҳамда бир-бирига ҳурмат руҳида ўтди. Ана шу оғир мажлисга раисик қилган Ислом Абдуғаниевич Каримовга миннатдорчилик билдиришни ҳоҳлардим. У ўз табиатига хос қатъият билан учрашувимизни ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ олиб борди. Баъзида ҳисҳаяжонларга ҳам йўл қўйилди, лекин бундай ҳолатлар унинг қоядек сабр-бардошига урилиб (Россия раҳбари ҳудди шундай деб айтди) парчаланиб кетди».

Баҳор шабадаси эсиб турган ўша куни давлат бошлиқларининг мажлиси ўтаётган залга муқаддас Наврўз руҳи — олий туйғулар, яхши ниятлар ҳамда тотувлик туйғуси кириб келган бўлса, ажаб эмас. Ҳар ҳолда, давра суҳбатига тўпланган барча кишиларнинг якдил фикрига қараганда, Киев учрашуви одамларга умид бағишлади. Уларда эртанги кунга ишонч уйғотди. Бу эса мазкур учрашувнинг асосий якуни бўлди.

Учрашувда Озарбайжон давлат котиби Митат Аббосов, Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян, Беларусь Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Молдова Президенти Мирча Снегур, Россия Президенти Борис Ельцин, Тожикистон Президенти Раҳмон Набиев, Туркманистан Олий Кенгашининг Раиси Сахат Муродов, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Украина Президенти Леонид Кравчук иштирок этдилар. Мажлисда Грузия Бош вазири Тенгиз Сигуа кузатувчи сифатида қатнашди.

Леонид Кравчук ўз кириш сўзида мазкур учрашув туб бурилиш нуқтаси бўлади, деган умид билдирди. У журналистлар билан суҳбатда давлат бошлиқларининг учрашувларида қабул қилинган қарорларни бажариш омиллари ишлаб чиқилган тақдирдагина туб бурилиш бошланишини таъкидлади.

Борис Ельцин янада ишончлироқ фикрни айтди: «учрашув туб бурилиш нуқтаси бўлмади, лекин у қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорлар нуқтаи назаридан янада самарали бўлди. Биз уч учрашув мобайнида ҳарбий масалаларни ниҳоясига етказа олмадик. Ҳозир бирлашган қуролли кучларга алоқадор масалалар юзасидан ҳужжатларни қабул қилиш арафасида турибмиз, бу ҳужжатларни тайёрлаш ниҳоясига етказилди ва улар жуда катта аҳамиятга эгадир».

Бизнинг Президентимиз ўз фикрини жуда аниқ ифодалаб берди: «Ҳамдўстлик — шунчаки орзу эмас, айни вақтда ҳаётий заруратдир». Аскар Акаев ва Раҳмон Набиев, Станислав Шушкевич ва Левон Тер-Петросян ҳам унинг бу фикрига қўшилдилар.

Дарвоқе, ҳамдўстик мамлакатларидаги шериклари билан матбуот марказида бўлган суҳбатда Ислом Каримов тутган йўлни журналистларнинг кўпчилиги тангликни бартараф этиш имконини берадиган амалий йўл сифатида баҳоламоқдалар. Масалан, Украина журналистлари ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви Тошкентда ўтказилиши тўғрисидаги хабарни зўр қониқиш билан кутиб олдилар. Бу учрашув янада самарали бўлади, деб айтишмоқда улар. Чунки Ўзбекистонда бошқа ерлардагига нисбатан сиёсий ва ижтимоий муҳит барқарор эканлигини айтмоқдалар.

Журналистлар билан учрашувда давлат бошлиқлари уларга яна бир бор мурожаат этиб, чуқур ўйланган, ҳаққоний ахборот беришга даъват этдилар. Рўзномаларнинг саҳифаларида Л. Кравчук гўё Ельцин билан телефон орқали бўлган суҳбатда қуролли кучларга доир ўз нуқтаи назарини пардалаб кўрсатишга ҳаракат қилганлиги ҳақида хабар пайдо бўлди. Қарийб ярим ойдан бери Киев билан Москва ўртасида бирон-бир масала юзасидан телефон орқали ҳеч қандай музокара бўлмаганини исботлашга тўғри келди.

Афсуски, матбуотда чуқур ўйлаб, босиқлик билан ёзилган хабарлар етишмаяпти. Учрашув очиладиган кунда «Правда Украини» рўзномаси шундай ҳажвий расмни босиб чиқарди: чипта кривуш кийиб олган Ельцин билан йўрма гулли кўйлак кийган Кравчук эшиги зич беркитилган хонада... карта ўйнашмоқда. Кравчук россияликни: «фақат Қрим картасини ўйнаш керак эмас...» деб огоҳлантирмоқда. Тўғри, бу учрашувни ана шундай одамлар эътиборини тортадиган расм билан қаршилаш унинг муаллифининг дадиллигидан далолат беради. Лекин учрашувда Қрим ҳақида гап бўлгани йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмасди. Айни вақтда журналистлар билан бўлган учрашув қатнашчилари раҳбарлардан ҳол-жонига қўймай, улардан Қора денгиз флоти ҳақида тинимсиз сўрашарди.

«Известия» рўзномасининг шанба сонида бутунлай умидсизлик туғдирадиган бир тахмин айтилди — бугунги кунда катта қарорларни кутиш мумкин эмасмиш. Раислик қилувчи Ислом Каримов ўша куни кечқурун очиқдан-очиқ шундай деди: «Яна бир тўсиқдан ўтилди. Энг муҳим масалалар, Тоғли Қорабоғдаги аҳвол ҳамда Днестр бўйидаги вазиятга алоқадор масалалар юзасидан амалий фикр алмашиндик ва қарорлар қабул қилинди».

Ҳа, масалаларни муҳокама қилиш осон кечмади. Улар эса ўн еттита эди. Чунончи, дастлабки икки масала — собиқ СССРнинг шартномалари, бутун мулки, давлат ҳужжатхоналари, сармоялари ва қарзларига доир давомийлик тўғрисидаги битим Россия делегациясининг таклифига биноан муҳокамага қўйилмади ва улар узил-кесил ишлаб чиқиш учун юборилди. Айни вақтда мажлис қатнашчилари ҳарбий масалалар юзасидан умумий фикрга келдилар. Бу ҳужжатлар тез орада эълон қилинса керак, шу сабабли ушбу мақоламизда уларни шарҳлаб ўтирмаймиз. Олий ҳарбий лавозимларга ҳам номзодлар якдиллик билан тасдиқланди. МДҲ ташқи

(Давоми 2 бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИШ ТЎҒРИСИДА

ПРОТОКОЛ

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўзаро муносабатларни ривожлантиришга интилиб ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мақсад ва принципларини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида;

бу билан тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликка, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми, Хельсинки Якунловчи ҳужжати, янги Европа учун Париж хартияси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши бошқа ҳужжатларининг мақсад ва принципларини татбиқ этиш учун ёрдамлашишга ишонган ҳолда;

икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш ва уларни янги мазмун билан бойитиш ниятида;

бу мамлакатлар фуқаролари ва халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида;

дипломатик муносабатлар тўғрисидаги 1961 йилги Вена конвенцияси қонун-қоидаларига асосланиб,

дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва элчихоналар даражасида дипломатик ваколатхоналар айирбошлаш тўғрисида келишиб олдилар.

Ушбу протокол имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

1992 йил 20 мартда Киев шаҳрида ўзбек ва рус тилларида икки нусхада имзоланди, ҳар иккала нусха матни бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Россия Федерацияси номидан
Россия Федерациясининг давлат котиби, ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари
Геннадий БУРБУЛИС.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз жаноби олийларининг мактубингизни олдик, унда бизнинг Саудия Арабистони мамлакати ҳокимияти тахтини эгаллаганимиз санасига 10 йил тўлиши муносабати билан Сизнинг ва қардош Ўзбекистон халқининг қутловларингиз баён этилмишдир. Ташаккур изҳор этиб ҳамда Сизнинг туйғуларингиз ва дўстона тилакларингизни юксак баҳолаб, Сиз ҳазрати олийларига энг яхши истаклар ва Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва равнақ тилаймиз. Иккала қардош мамлакатимиз ўртасидаги алоқаларни тасдиқлашдан шодмиз ва шу алоқаларнинг мустаҳкамланиб, ривож топишига муштоқмиз.

Саломларимни қабул этгайсиз.

Икки муқаддас масжид ходими
ФАХД бин АБДИЛ АЗИЗ ал САУД
Саудия Арабистони мамлакатининг подшоҳи.

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ БОҒИ ВА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

Кўҳна Шарқ халқлари учун бирдек қадрли ва эъзозли, қадимий, аммо ҳамиша навқирон Наврўз Ўзбекистонда катта байрам сифатида нишонланди.

Эрта тонгданоқ республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза, Кўкча, Чиғатой дарвоза каби турли даҳаларида карнай-сурнай ва ноғораларнинг шодиёнадан дарак берувчи тантанавор садолари осмону фалакни тутди.

Одамлар Навоий номли боғ томон дарёдек тошиб кела бошлади. Атлас кўйлаклари қуёш ёғдусида жилоланган қиз-жувонлар, мунис онахон ва нуроний отахонлар Наврўз нашидасидан баҳраманд бўлиш учун бу ерга тўпланишди. Тол барги-дан сочпопук тақиб олган қизчалар тантанада ўз қўшиқ ва рақсларини намойиш этиш учун Халқлар дўстлиги майдони сари шошиладилар.

Қўш карнай-сурнай ва ноғора садолари баҳорни олқишловчи наволар билан алмашади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров ва бошқа расмий кишилар Халқлар дўстлиги саройи олдидаги шоҳсупага чиқадилар.

— Жонажон Ўзбекистонимизга, она тупроғимизга Наврўзи айём келди, — дейди республика Бош вазири ўринбосари, умумхалқ байрамини ўтказиш ташкилий комитетининг раиси Э. Самандаров. — Тўғрироғи, Наврўз кетмас бўлиб қайтиб келди. Азал-азалдан қалби туташ халқларимизнинг вакиллари қадимий, муқаддас байрамни нишонлаш учун буюк бобомиз номи билан аталувчи миллий боғ атрофига, мана шу майдонга жамул-жам бўлдилар. Қадим-қадимдан бизнинг буюк алломаларимиз ўзининг халқи билан бирга, ўзининг юрти билан бирга Наврўзни байрам қилган, бир-бирларига яхши тилаклар билдирган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Наврўз байрами қатнашчиларига йўллаган табриги ўқиб эшиттирилади. Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков йиғилганларни улуғ айём билан қутлайди.

Пешинга яқин байрам шодиёнаси Алишер Навоий номли миллий боғда янада авжига чиқди. Бу ерда республикамизнинг турли вилоятларидан келган санъаткорлар, сўз усталари ва бошқа касбдаги кишиларни учратиш мумкин эди.

Наврўз шодиёналари бутун республикамизда авж олди. Баҳор ва бунёдкорлик даракчиси Наврўз эзгулик, садоқат, покланиш ва меҳр-мурувват байрамига айланиб кетди.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ

Тошкентдан Фарғонага парвоз қилган тайёра роппароса 35 дақиқадан сўнг 350 километр масофани ортда қолдириб аэропортга қўнди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев Наврўз муносабати билан республика Президенти қутлови ва эзгу ниятларини водийликларга етказиш учун Фарғонага келди.

Аэропортдан шаҳар томон борарканмиз, Фарғона механика заводи ёнида бир гуруҳ байрам кайфиятидаги ишчи ва хизматчиларни кўриб тўхтадик. Турли миллат вакилларидан иборат бўлган бу йигит ва қизларни Наврўз билан муборакбод этиб турганимизда шундоққина ёнимиздаги дошқозондан ош сузиб келишди. Шавкат ака ўзларини қуршаб олган фарғоналикларни дастурхонга таклиф этдилар. Бир пиёла чой устида гурунг давом этди.

...Тушдан сўнг Фарғонадан Қўқон томон йўлга тушганимизда, йўл-йўлакай босиб ўтган Риштон, Боғдод, Бувайда районлари ҳокимлари билан суҳбатлашиб, одамлар кайфияти ва руҳияти билан танишиб, билдимки, фарғоналиклар мустақил давлатга муносиб мард одамлар экан. Фарғоналикларнинг ёшу қари ҳаммаси Президент ва ҳукуматга садоқат, сиёсатимиз ва истиқболимизга ишонч билан юрганларидан бошимиз кўкка етди.

Фарғона вилоят ҳокими Ғ. Фозилов, ҳокимнинг биринчи ўринбосари Н. Раҳимов, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Эргашев, республика Президентининг маслаҳатчиси М. Умрзоқов Фарғона бўйлаб сафарда Ш. М. Йўлдошевга ҳамроҳлик қилдилар.

И. ХУШЕВ,
«Ҳаёт ва иқтисод» журналининг бош муҳаррири.

ЖАҲОН БАЗМИН БЕЗАР БИР СЕНИНГ СЎЗИНГ

Улуғ айём тантаналаридан лавҳалар. В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Наврўз шодиёналари давом этаётган онларда бугунги кунимиз, эртамиз билан бир қаторда улуғ алломаларимиз ҳам ёд этилди.

Улуғ мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг Наврўз ҳақидаги ўлмас сатрлари байрам тўрини безаб турди. Бир томонда Беруний, Фирдавсий, Бобур, Огаҳий...

Сўз олганлар Умар Ҳайёмнинг:

Арқ лабидаги ҳар гиёҳ кўкат
Малакдай гўзалнинг юзидаги хат.
Бу сабза лоладек юзлар тупроғи
Сабзага аввайлаб оёқ қўй гоят.

тўртлигини ёд ўқишди.

Ҳа, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ўзбекистон овози» рўзномаси, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг ҳамкорликда ўтказган Наврўз байрами шу кунги шодиёна гултожларидан бирига айланди.

Карнай-сурнай, ноғора овозлари эрта тонгданоқ одамларни Ҳамза номли театр майдонига чорлади. Бир томонда саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёдгорликлар, китоб савдоси авжида. Бошқа бир ёнда миллий таомлар, чойхона хизматда. Байрам иштирокчиларининг юзида табассум, сўзлари ширин... Бир-бирини ардоқлаган, байрам билан қутлаган.

Томошагоҳ олдида — «Ўзбекистон овози» рўзномасининг ўтмиши ва бугунини тасвирловчи стендлар. Кечагина ҳалол ва мазмунли хизмати ила эл-юрт меҳрини қозонган, эндиликда мангу уйқуга бош қўйган шоиру олим, санъаткору журналистлар бугунги шодиёнадан баҳраманд бўлаётгандай гўё.

Саҳнага Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Эркин Комилов ва Гавҳар Зокирова кўтариладилар. Уларнинг баҳор айёми — Наврўзни табриклашлари одамларни ўз бағрига чорлагандай туюлади. Шундан сўнг Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги давлат академик драма театри директори Санъат Девонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби, ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Ҳ. Абдурайимов, Ўзбекистон халқ ноиби, «Ўзбекистон овози» рўзномасибош муҳаррири Р. Раҳмонов мустақиллик йилининг илк байрами Наврўз билан табриклайдилар.

Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий Муқимийнинг «Сабза бўлди боғлар» сатрлари билан бошланган ғазалини куйлаганда гуллар ҳиди, уфурғандек бўлди. Унинг ғоят ширали овози байрам шодиёналарига файз киритди.

Севимли актёр, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори Наби Раҳимов бўлган жойда табассум ҳамоҳанг. Унинг ичкузди ҳазиллари билан йўғрилган табриги бир неча бор гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

(Давоми тўртинчи бетда).

СИЁСИЙ МУВОЗАНАТ ДАВРИ БОШЛАНДИМИ?

(Давоми. Боши биринчи бетда).

чегаралари ва денгиз иқтисодий зоналарини қўриқлаш тўғрисидаги битим лойиҳасининг муҳокамаси анча оғир кечди. Натижада ҳамдўстлик давлат чегаралари ва денгиз иқтисодий зоналарини муҳофаза қилиш тўғрисидаги битим деб аталган ҳужжат юзага келди. Катта тузатиш киритилди — «ташқи» сўзи «давлат» сўзи билан алмаштирилди. Биз бунда ҳамдўстликка кирувчи барча мустақил давлатларга ҳурмат билан муносабатда бўлинганини кўрамиз.

Ҳа, МДҲ таркибидаги ҳар бир давлатнинг ўзига хос манфаатлари ва устивор йўналишлари бор. Ҳамдўстликни вужудга келтириш жараёни билан собиқ иттифоқдаги республикаларнинг ўз давлатига эга бўлиш жараёнлари амалда бир вақтнинг ўзида кечди. Ҳозирги даврнинг мураккаблиги ҳам шундадир. Бу давр иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиши билан янада оғирлашмоқда, оқсаб қолмоқда, узилиб қолган иқтисодий алоқаларни тиклашга ҳозирча муваффақ бўлинмаяпти. Лекин бир нарса қувонтиради —ишларга ишончсизлик билан қараб, МДҲ тез орада ҳалокатга йўлиқади, МДҲ ҳозирги давр руҳидаги усул билан иттифоқни парчалаб юбориш мақсадида ясалган қурол эди, холос, деб ҳисоблаётган кишилар кун сайин камайиб бормоқда.

Албатта, ҳақиқий ҳамдўстлик йўли осон йўл эмас — тоталитар тузум бизга жуда кўп муаммоларни мерос қилиб қолдирган. Айни вақтда бу йўл кишиларга умид ва ишонч бағишлайдиган йўлдир.

Киев учрашуви барча давлат бошлиқлари ўз фаолиятларида энг аввало ўз халқлари манфаатларига амал қилсалар, шахсий гина-кудурат ҳамда нафсониятларини бир чеккага йиғиштириб қўйиб ишласалар тотувликка эришишлари мумкинлигини очиқ-ойдин кўрсатди.

Дарвоқе, МДҲда қатнашувчи давлатлар парламентлари бошлиқларининг учрашуви 27 март куни ўтказилиши режалаштирилган. Бу яқинлашиш сари ташланган яна бир қадам бўлади. Шундан кейин Тошкентда давлат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви очилади. Ҳақли равишда тинчлик шаҳри деб аталган Тошкент МДҲ тарихида сиёсий мувозанат даври деб аталадиган даврнинг бурилиш нуқтаси бўлиши мумкин. Бизнинг умидимиз ана шунда.

Святослав ФЕНЮТИН,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири.

Киев—Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ПРОТОКОЛ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги билан Хитой Халқ Республикаси Алоқа вазирлиги (бундан буён «томонлар» деб атладилар) алоқа соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича умумий интилишларини изҳор қилиб, қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар алоқа бўйича ҳамкорликни доимий ва узоқ муддат асосида ривожлантириб борадилар.

2-модда

Ушбу протоколга асосланиб, томонлар телекоммуникация соҳасида ахборот айирбошлайдилар ва шу соҳада фойдаланишда бўлган корхона ва ташкилотларнинг ҳамкорлигини таъминлайдилар.

3-модда

Томонлар телефон, телеграф алоқаларини ҳамда почта жўнатмаларини тўғридан-тўғри айирбошлаш ва уларни ташкил этиш борасида техник воситалар ҳақида келишиб олдилар.

4-модда

Томонлар Ўзбекистонда алоқа ускуналарини ишлаб чиқариш, алоқа ускуналарига сервис хизмати кўрсатиш регионал марказини қўшма корхоналар асосида ташкил қилишга интиладилар.

5-модда

Ушбу протокол имзолангандан сўнг, энг қисқа муддат ичида уни амалга ошириш мақсадида томонларнинг ваколатли органлари алоҳида соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида махсус битим тузадилар.

Ушбу протокол 1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида икки асл нусхада ўзбек ва хитой тилларида тузилди, ҳар иккала нусха матни бир хил кучга эга.

Хитой Халқ Республикаси Алоқа вазирлиги номидан Бош вазир ўринбосари Раҳим РАЖАБОВ.

Хитой Халқ Республикаси Алоқа вазирлиги номидан Алоқа вазири ўринбосари Чжу ГАОФЭН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ БИЛАН ХИТОЙ БАНКИ ЎРТАСИДА

БИТИМ

Қуйида «томонлар» деб аталувчи Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Хитой банки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой халқ Республикаси ҳукумати ўртасида 1992 йил 2 январда тузилган савдо-иқтисодий битим асосида қуйидаги банклараро битимни тузадилар:

1-модда

Томонлар Тошкент ва Пекин шаҳарларида банклар Марказий идораларининг корреспондентлик ҳисобларини очиш йўли билан эркин муомладаги валюталар орқали банк операцияларини бажарадилар. Томонлар манфаатдор идоралар билан биргаликда банк операцияларини клиринг ҳисоб-китоблари асосида олиб бориш имконини ўрганиб чиқадилар. Ҳисоб-китоб ишларини юритишнинг техник тартиби махсус протоколда қайд этилади.

2-модда

Томонлар Ўзбекистон Республикасининг ва Хитой Халқ Республикасининг банк ишларини ва валюта-молия операцияси соҳасидаги қонунларини ўрганиш учун ҳар йили ўзаро келишган ҳолда мутахассислар гуруҳи айирбошлаб турадилар.

3-модда

Томонлар умум қабул қилган халқаро амалиётга биноан ўзбек-хитой лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон томонга кредитлар бериш масалаларини қараб чиқадилар. Берилажак кредитлар махсус битимларда қайд қилинади.

4-модда

Ҳар икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлиги кенгая борган сари томонлар ўзларининг ваколатли органлари билан келишиб олганларидан кейин Тошкентда, Пекинда ёки Ўзбекистон ва Хитойнинг бошқа шаҳарларида банкларнинг филиалларини ёки бўлимларини очиш масалаларини кўриб чиқадилар.

Мазкур ваколатхоналар очилгунига қадар томонлар ўз мижозларининг савдо ва инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун шериклар танлашларига ёрдам берадилар.

Ушбу битим имзоланган кунидан эътиборан кучга киради ва беш йил давомида амал қилади.

1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида икки нусхада ўзбек ва хитой тилларида имзоланди, ҳар иккала нусха матни бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки номидан Раис

Рустам АЗИМОВ.

Хитой банки номидан Раис

Ван ДЭ ЯНЬ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕЛЕРАДИО КОМПАНИЯСИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КИНЕМАТОГРАФИЯ, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЎРТАСИДА ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ВА РАДИОЭШИТТИРИШЛАР БЎЙИЧА ЎЗАРО АНГЛАШУВ

ПРОТОКОЛИ

Қуйида «томонлар» деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси телерадио компанияси билан Хитой Халқ Республикаси Кинематография, телевидение ва радиоэшиттиришлар вазирлиги телевидение ва радиоэшиттиришлар соҳасида ҳамкорлик қилишга интилиб, қуйидаги масалалар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар телевидение ва радиоэшиттиришлар соҳасида узоқ муддат давомида мунтазам ҳамкорлик қилишга аҳд қилдилар.

2-модда

Томонлар Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида телевидение программалари айирбошлаш имкониятларини ўрганиб чиқишни зарур, деб ҳисоблайдилар.

3-модда

Англашувлар тўғрисидаги ушбу протокол имзолангандан кейин томонларнинг ваколатли идоралари имкони борича қисқа муддатда телевидение ва радиоэшиттиришлар соҳасида ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисида махсус битим тайёрлайдилар ва имзолайдилар.

1992 йил 13 мартда Пекин шаҳрида ўзбек ва Хитой тилларида икки нусхада имзоланди, ҳар иккала нусха матни бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси Телерадио компанияси номидан Ташқи ишлар вазири Убайдулло АБДУРАЗЗОҚОВ.

Хитой Халқ Республикаси Кинематография, телевидение ва радиоэшиттиришлар вазирлиги номидан Вазир ўринбосари Ма ЦИНСЮН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БИЛАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЯТ, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, ТУРИЗМ ВА СПОРТ СОҲАЛАРИДА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, қуйида «томонлар» деб аталувчилар, ўз халқлари ўртасидаги дўстликни, икки мамлакат яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларида мазкур битимни тузишга қарор қилдилар:

1-модда

Томонлар иккала мамлакатнинг тегишли муассасалари ўртасида тенглик ва ўзаро манфаат принциплари асосида маданият, санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорлик қилиш ва ўзаро алмашувни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.

2-модда

Томонлар икки мамлакат ижодий уюшмалари, шўнингдек, жамоат маданий ташкилотлари ўртасидаги маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик ва алмашувни рағбатлантирадилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

3-модда

Томонлар маданият, адабиёт ва санъатнинг барча йўналишлари бўйича бадиий жамоалар, бадиий кўргазмалар ҳамда маданият ва санъат арбоблари гуруҳларини алмашув йўли билан ўзаро алоқаларини рағбатлантирадилар.

4-модда

Томонлар икки мамлакат музейлари, кутубхоналари ва нашриёт муассасалари ўртасидаги алмашув ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлайдилар.

5-модда

Томонлар ўзаро келишувга мувофиқ ўқитувчилар ва талабалар билан алмашадилар, таълим ташкилотлари ва олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорликка, жумладан, ўқув адабиёти, методик қўлланмалар ва ўқитиш дастурларининг алмашувига кўмаклашадилар.

Томонлар бир-бирларининг тили ва адабиётини ўрганишга катта аҳамият берадилар ва бу масалада амалий чоралар кўрадилар.

6-модда

Томонлар соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик ва алмашувни рағбатлантирадилар ва бунга кўмаклашадилар.

Томонлар тенглик принципи асосида бир-бирларига медицина ашёларини тақдим этадилар, халқаро илмий конференцияларда биргаликда илмий тадқиқотларда иштирок этиш учун мутахассислар ва ходимлар билан алмашадилар.

7-модда

Томонлар икки мамлакат ўртасидаги спорт ва туризм ташкилотлар алоқаларининг ривожланиши ва мустаҳкамланишини рағбатлантирадилар.

8-модда

Томонлар тегишли муассасалар мутахассислари малакасини ошириш мақсадида ўзаро алмашув ва стажировкалар ҳамда биргаликда илмий тадқиқот олиб боришларини рағбатлантирадилар.

9-модда

Томонлар мазкур битимни амалга ошириш учун биргаликда молиявий масалаларни ҳам ўз ичига оладиган конкрет режаларни ишлаб чиқадилар.

Томонларнинг тегишли ташкилотлари мазкур битим асосида ўзаро протоколлар тузишлари мумкин.

10-модда

Томонлар мазкур битим қоидаларининг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш мақсадларида ҳар бир томоннинг тенг сондаги вакилларидан таркиб топган қўшма комиссия (ишчи гуруҳи) тузишга келишдилар.

Қўшма комиссия томонлар ўзаро келишган муддатларда навбати билан Тошкент ва Пекин шаҳарларида учрашадилар.

11-модда

Мазкур битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил давомида амал қилади.

12-модда

Агар томонларнинг бири бошқа томонни ёзма равишда мазкур битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорини унинг муддати тугашидан олти ой илгари огоҳ қилмаса, мазкур битимнинг амал қилиш муддати ўз-ўзидан кейинги беш йилга узайтирилади.

Пекин шаҳрида 1992 йил 13 мартда икки асл нусхада, ўзбек ва хитой тилларида имзоланди, ҳар иккала матн ҳам бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ташқи ишлар вазири Убайдулло АБДУРАЗЗОҚОВ.

Хитой Халқ Республикаси ҳукумати номидан Маданият вазири ўринбосари Лю ДЭ-Ю.

ШИМОЛДА ЭКИШ БОШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликларида баҳорги буғдой , беда, эртаги сабзавот экиш бошлаб юборилди. Тўрткўл районидаги «Ленин йўли», «Победа», «Коммунизм», «Намуна», Димитров номли, М. Горький номли, Элликқалъа районидаги «Ленинград», «Қирқкизобод», Ленин номли, Калинин номли, «Октябрь 60 йиллиги», Орджоникидзе номли, Охунбобоев номли жамоа ва давлат хўжаликларида кунига 16—20 гектар майдонга беда уруғи экилмоқда. Ана шу хўжаликларнинг кўпчилигида кунига 10—12 гектар майдонга буғдой уруғи сепилмоқда. Эртаги сабзавот экиш ишлари тобора кучайтирилаётир.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАХТА ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

Ёзёвон районидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида пахтани қайта ишлаш корхонаси қурилиши бошлаб юборилди. Ушбу иншоотни район деҳқончилик саноати уюшмасига қарашли «Мингчинор» ширкати бинокорлари барпо этишяпти.

Янги корхона учун ускуналарни водийдаги йирик пахта заводлари етказиб бермоқда. Қурувчилар Ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам айрим техника ва технология асбоблари келтириб, ўрнатишяпти.

— Завод ишга тушгач, — дейди ширкат раиси Б. Низомов, — бир сменада 20 тоннагача пахтани қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

А. МАДРАҲИМОВ.

ҚЎШМА КОРХОНА

Асакадаги 1-пахта тозалаш заводи қошида қўшма корхона ташкил этилди. «Ас-Шетекс» деб номланган ушбу корхонани андижонлик пахта тозаловчилар Россиянинг Шелково шаҳридаги тўқимачилик комбинати мутахассислари билан ҳамкорликда ишга туширишди.

Ҳозир бу ерда 120 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилянти. Улар 20 дан зиёд турдаги халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаришмоқда. Айниқса, корхонада тайёрланган аёллар ва болалар кийимлари, чақалоқлар учун комплект маҳсулотлар харидорларга манзур бўлаётир.

Кўчма корхонада харидорталаб кийим-кечаклар тайёрловчи бичиқчилар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ИМОН-ЭЪТИҚОД КЕРАК

«Ўзбекистон ХДП ташкил топгач, унинг бошқарув идораларига ёш, истеъдодли, партия ишига бутун вужуди билан берилган янги ходимлар келди. Партия сингари улар ҳам халқ билан ишлаш, унинг оғирини енгиллатиш, юмушига елка тутиб, дардига шерик бўлишнинг ўзига хос «сирларини» ўрганмоқдалар. Таъсис қурултойидан кейин тўрт ой вақт ўтди. Бу, ХДП қилиб улгурган ғоят салмоқли ишларни назарда тутадиган бўлсак, оз вақт эмас. Демак, янги партия ходимлари ҳам оёққа мустаҳкам туриб олиб, дадиллик билан ишга киришганлари натижаси бу. Менинг ушбу хатни ёзишдан мақсадим, партия ходимларининг ҳозирги авлоди, уларнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида рўзномада мақолалар бериб боришингизни таклиф қилмоқчиман. Зеро, уларнинг илк тажрибалари, айрим масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалари, нуқтаи назарлари партия кенгашлари ва қўйи ташкилотларда ишлаётганлар учун ҳозирги кунда жуда ҳам кераклидир.

М. РАҲМОНОВ, Гурлан райони.

● Рўзнома таҳририятига келаётган кўп хатларда ҳам шундай мазмундаги истак, таклиф ва мулоҳазалар билдирилаётганлигини эътиборга олиб, биз ёш партия ходимлари ҳақида материаллар бериб боришни режалаштирдик. Бугун биз эътиборингизга ХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими Чоршанби ШУКУРОВ билан қилган суҳбатимизни ҳавола этамиз.

— Республикада кўппартиялилик жорий бўлган, аммо турмуш кечириш кун сайин оғирлашиб бораётган ҳозирги пайтда партия ходими бўлиш ниҳоятда оғир. Бунга ўзингиз ҳам кундалик ишларингизда ишонч ҳосил қилаяпсиз. Айтингчи мана шу ташвишли даврда, кўпчилик ўзини сиёсатдан четга олишга ҳаракат қилаётган кунларда нима учун энг қийин вазифа — партия аппарати ходими бўлдингиз?

— Илгари Ўзбекистон Компартияси сафида 650 мингдан зиёдроқ аъзо бор эди, Ўзбекистон ХДП эса ўша партиянинг негизида тузилган бўлсада, у ўзини парламент услубида ишлайдиган партия ва фақат унинг мулкигина ворислигини эълон қилди.

Эсингизда бўлса керак, партиянинг янгиланиши бундан анча аввал бошланган эди. Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг ҳар иккала босқичи давомида у ўзининг ҳаракат Дастури ва Низомини Ўзбекистон шароитига мослаб қабул қилган эди. Бу мустақиллик ўша пайтдаёқ марказда тиғ билан кутиб олинди. Нимагадир кўпчиликнинг мана шу оддий ҳақиқатни тан олгиси келмади. Ўша пайтда бу ишни ҳамма ҳам ўз зиммасига ололмас эди. Компартияга янгидан келган раҳбарлар энди Марказдан ўтказилаётган сиёсатнинг жойларда фойда бермаслигини англаб етдилар, кўр-кўрона қабул қилинган қарорлар ва қоғозлардан фойда чиқмаслигини тушундилар. Мен ўша пайтдан бошлаб Ўзбекистон ҳаётида улкан ўзгаришлар юз бериши мумкинлигини ва ўзимни шу ўзгаришларда иштирок этмаслигим, партия аъзоси сифатида у ёқда турсин, ҳатто оддий бир фуқаро сифатида ҳам томошабин бўлиб ўтириш кечирилмас ҳол деб ўйладим. Қолаверса, шахсий фикрим шуки, ҳар қандай сиёсий партия Дастурини агар у менга маъқул бўлмаса миллатнинг равнақи, порлоқ келажаги, авлодларимиз бахтидан юқори қўя олмайман.

— Бугунги кунда Компартияни бўлар-бўлмас гуноҳларда айблаш авж олиб кетди. Ҳатто у жиноятчи ташкилот, дейишгача борилмоқда. Сиз бунга нима дея оласиз? Сизни шу фаолиятни танлашга нима мажбур этди? Ўзингизнинг сиёсий қарашларингизни рўёбга чиқаришми ёки бирон бир имтиёз олишми?

— Мен ўзимни кабинетда ўтириб ишлайдиган аппарат ходими, деб ҳисобламайман. Асли қурувчиман. Қарши чўлини ўзлаштиришда қатнашдим. 1980 йилда гарчи КПСС аъзоси бўлмасам ҳам, Талимаржон шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари қилиб сайландим. Унинг тарихи ҳам қизиқ.

Ўша пайтда шаҳар Кенгашининг раиси рус киши бўлганлиги учун, унинг ўринбосари албатта ўзбек бўлиши керак экан. Халқ ноиблари орасида ўзбеклар қанчалиги ҳозир ёдимда йўқ. Менинг номзодимни танлашибди. Аввалига рози бўлмадим. Чунки Талимаржон сув омборини ва унга сув чиқарадиган Иттифоқда тенги йўқ насос станцияларни қуриш жудаям қизиқарли ва масъулиятли иш эди. Начора, сессия сайлагандан кейин ишни алмаштиришга тўғри келди.

Партия ишига 1986 йили июнь ойида келдим. Бунинг сабабини ўзингиз ҳам яхши биласиз, районлар бошқаруви ходимлари «пахта иши» муносабати билан батамом алмаштирилаётган давр эди. Мен ўша пайтда Ульянов район Кенгаши ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаётгандим. Вилоят партия қўмитасига чақириб энди партия ишига ўтасиз, дейишди. Ўшанда гап қайтариб кўрингчи. Бу хилдаги таклифлар буйруқ ўрнида бўларди, албатта... Тақдирга тан бериб, чўл районида эндигина уй-жойлар ва ижтимоий қурилишларнинг тўлиқ дастурларини амалга ошира бошлаган ишлардан узилиб қолишимга тўғри келди.

Қамаши районида ташкилий бўлим мудири бўлиб салкам 9 ой ишладим. Сўнг Россия билан кадр алмашиш деган гап чиқиб қолди. Ҳозир бизда буни «десантчилар» деб аташмоқда. Менга тажриба алмашиш учун Россиянинг бир қанча вилоятларини таклиф қилишди. Белгород вилоятини танладим. Чунки ўша пайтда иш юритишнинг ижара, пудрат усуллари ўша областда яхши натижа бераётганлигини эшитгандим. Очиқроқ айтганда, рус халқининг маданиятини ўз кўзим билан кўриш истаги кучлилик қилди, десам ҳам бўлади.

У ерда жуда ҳурмат-иззат билан кутиб олишди, қарийб бир ярим йил давомида деярли ҳамма соҳалардаги янгиликлар билан танишдим. Мени биринчи навбатда ҳайратга солган нарса, бозорнинг, магазинларнинг озиқ-овқат билан лиммо-лим тўлалиги эди. Бозорда гўштнинг энг қиммат нархи нари борса 4 сўм турарди, холос. «Белгородский феномен» деганларини ўша пайтда сездим. Чунки қишлоқ хўжалигини тиклаш учун биринчи галда унинг моддий-техника базаси яратилиши зарурлигини вилоят раҳбарлари яхши уқиб олишган эди. Мени кам сонли аҳоли яшайдиган жойлардаги ҳашаматли мактаблар, санъат саройлари, спорт комплекслари, ижтимоий иншоотлар, уй-жой қурилишнинг салмоғи ҳайратга солди. Мана, келажак учун қилинган иш. Ўша пайтдан бошлаб қишлоқдан шаҳарга кўчиш анча камайди. Ишни ташкил этишнинг янги шакллари жорий қилингач, иш ҳақининг ошиши ҳам бу кўчишларни янада камайишга олиб келди.

Мени ҳайратга солган нарсалардан яна бири, биз пахта кампанияси, деймиз. Уларда ҳам қанд ловлагини ўтоқ қилиш ва уни йиғиштириш, ем-ҳашак жамғариш, пиёзни йиғиб олиш ва мева теришда жуда кўп шаҳарликлар қатнар экан. Бутун ёз бўйи дам олмай ишладик, десам ҳам бўлади. 1988 йилнинг август ойидан то 1991 йил май ойига қадар яна Қамаши район партия қўмитасининг иккинчи котиби ва район кенгаши раиси бўлиб ишладим. Мана 8 ойдирки, аввал Ўзбекистон Компартияси аппаратида, ҳозир эса Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аппаратидаман. Партия ходимларининг ичида ҳалол, покиза, яхши инсонлар жуда ҳам кўп. Сафимизда яхши одамлар кўплиги учун ҳам турмушимиз бошқа республикаларникидай ҳаддан ташқари оғир эмас.

Нима учун партия аппаратида ишда қолишим сабабини сўрадингиз. Мен Ўзбекистан Компартияси Марказий Комитети аппаратида иш бошлаганимда вазирликлардан бирига бориб, уларнинг хизматчилари билан суҳбатлашгандим. Суҳбат охирида бир ходим «Кечирасиз, мен балки нотўғри айтаётгандирман. Сизлар ўзи Москвадан сўрамай, бирон иш қиласизларми ёки йўқми?» деб сўраб қолди. Мен аниқ бир фикр айтолмаслигимни тан олдим. Ҳа, ҳали кўп масалаларда ўларсиз қарор қабул қила олмасдик. Аммо энди замон бошқа, республикамиз ҳар жиҳатдан мустақил. Илгаригидек Москвадан кўрсатма йўқ. Ҳамма жавобгарликни ўз зиммамизга олган ҳолда, ўз фикримизни очиқ баён қилишга имкони борлиги учун ҳам янги партиямиз — ХДП Марказий Кенгаши аппаратида ишлаяпман. Қачонки ўз ишимдан ўзим қониқмасам, халқ манфаатига хизмат қилишда фойдам тегмаса, ўринни бошқа кишиларга бўшатиб бериш керак, деб биламан.

Мени ХДП сафига ундаган нарса шу кеча кундузда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаштина эмас, шу билан бирга шу сиёсатни амалга оширишга кўмаклашиш истаги ҳамдир.

Яна бир фикр: баъзан назар республика Президентини қўллаб-қувватламоғи, унга ўз амалий иши билан ёрдам бермоғи зарур деб биламан. Ҳозир айни миллатга фидойиликни ўрганадиган ва уни амалда кўрсатадиган давр. Президентнинг ҳам битта партиягагина эмас, балки 20 миллионлик халққа ёрдам беришдан, уларни ёруғ йўлга олиб чиқишдан бошқа ҳеч қандай мақсади йўқ. Ҳаммамиз ҳам мана шу ҳақиқатни тўғри тушунишимиз лозим.

— Республикада бозор иқтисодиёти сиёсатига ўтилаётган жараёнда Ўзбекистон ХДП ролини ва ўрнини қандай тушунасиз?

— Партиямиз ўзини парламент усулида ишлайдиган партия деб эълон қилди. Шундай экан, у ҳукуматни ким бошқаришидан қатъи назар, ҳар бир қонуннинг фақат халқнинг манфаатини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинишига эришиш учун амалга оширилаётган барча фойдали ислоҳотларни қўллаб-қувватлаши лозим.

Президент фармонларининг бажарилишини назорат қилиш учун кўп давлат ташкилотлари тузилган. Уларнинг ўрни ва ролини ҳам камситмаган ҳолда партия ўз Дастурида ёзиб қўйганидек, шу ташкилотлар бironта фармонни, масалан, айтайлик одамларга шахсий томорқа бериш ва ундан қандай фойдаланилаётганлигини жамоат назоратига олса яхши бўларди. Чунончи, биттагина шу фармоннинг бажарилиши натижасида ҳеч бир қўшимча ХДП аъзолари ўртасида Президентимиз ўз сўзларида аввало партиянинг Раиси эканлигини эслатмаяпти, деган мулоҳазаларни ҳам эшитишга тўғри келяпти. Мен бу гапларга сира тушунмаяпман. Чунки бир киши 350 минг кишига эмас, балки 350 минг киши бир кишига ёрдам бериши лозимлиги ҳақиқий зарурат эмасми? Ҳозирги қийин даврда, республикамиздаги барча соф виждонли, нияти пок кишилар ўзининг қайси сиёсий партияга мансуб эканлигидан қатъи назар сарф-харажатларсиз миллиард сўмлаб даромад олиш мумкин. Ана шу сиёсатни ХДП қандай кўраётгани ва уни ҳал қилишнинг асосий йўллари нималардан иборат эканлигини Марказий Кенгаш масъул ходимлари қанчалик кўпроқ халққа тушунтирсалар, ўйлайманки партия ўз ролини муваффақиятли бажарган бўлади.

— Сизни бир оддий фуқаро сифатида мустақиллик йўлида нималар ташвишга солаяпти.

— Менинг биринчи кўрқадиган нарсам, кўпчиликнинг тилидан тушмаётган, ҳуда-беҳуда гапирилаётган демократия. Буни қандай тушунтирсам бўларкин. Келинг, битта мисол айтай, демократия йўлидан бораётган ғарб мамлакатларида бу тушунча 100—120 йил арофида илдиз отиб келяпти. Биздаги айрим раҳбарлар эса демократияни экспорт қилиб ёки оддий тил билан айтганда буюм каби у региондан бу регионга олиб келиб ўрнатиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Россиядаги демократларни олайлик, уларнинг аксарият кўпчилиги КПСС орасидан чиққан раҳбарлар. «Демократлар» деб пешонасига тамға босилмаган. Биз яна эски касалликка қайтиб келаяпмиз. Россиядан аввал коммунистларнинг ғоясини мақтаб қабул қилдик, энди эса демократияни мақтаб олиб келишимиз керак экан. Қачонгача шу хилда яшаймиз. Менимча, демократ деганда, у қайси сиёсий оқимга хайрихоҳ бўлишидан қатъи назар, халқпарвар, одил, имонли бўлса, мен ўша кишини демократ деб тушунаман.

Бизда яна бир қизиқ одат бор. Вазифадан тушдимми, у коммунист бўлса демократга, демократ бўлса коммунистга айланади ёки «ҳақиқат курашчиси» бўлиб қолади. Бунинг туб маъносига келсак, у фақат ўз шахсий манфаатини кўзлайди, холос. Халқ эса унинг манфаатидан бир четда қолиб кетаверади.

Ёмон иллатларимиздан яна бири шуки, агар икки оқим вакили учрашиб қолгудек бўлса, улар худди бир-бирига қирқ йиллик душмандек муомала қиладилар. Бир ерда ишлашини, бир республиканинг бир хилдек ҳуқуққа эга фуқароси эканлигини унутиб қўйишади. Ҳар бир чигал масалани ечишда ким бўлишимиздан қатъи назар дўппини ерга олиб қўйиб бир ёқлаб, ундан кейингина ҳал қилишимиз лозим. Бизда баъзи «демократлар» эски тузумни йўқ қилиб, жамиятни янгича бошқаришга ўтишни талаб қилиб чиқмоқдалар. Холбуки янги уйни қурмасдан туриб, эски уйни бузиб ташлаш хатоку. Буни қайта қуриш «концепциясида» ҳам кўрдик. Яна нимани қайта қурмоқчимиз. Экилган дарахт мевага кириши учун камида 3—4 йил вақт кераклигини наҳотки эсдан чиқаряпмиз.

Халқимиз андишали ва оқил халқ. Демократия нималигини унинг ўзи тезда тушуниб олади. Бунга оддий бир мисол: районда ишлаб юрган кезларимда қабул кунлари аксарият шикоятлар ҳуқуқ органлари ва савдо масалалари хусусида бўларди. Мен қишлоқ аҳолиси билан учрашиб, савдо ходимлари билан биргаликда қани айтинглар, нима қилайлик десам, тартибга солиб беринг раис бува, дейишарди. Ҳўп, биз 20 тийин хиёнат қилгани учун эртага жиноий иш қўзғатсак, яна 200 киши ариза кўтариб келади. Шу, раис бува ўша куни қизиқконлик қилибмиз, шуни қаматманг, ўзимиз кафолатга оламиз, ўз қишлоғимизнинг одами, дейишади. Шундан кейин кўп жойларда магазинлар ишини назорат қилиш учун депутат постлари ташкил қилдик.

Ҳуқуқ органларида-чи? Мен, уларнинг қандай мутахассисликдан келганликларини, касбий маҳоратини, бизда жабрланувчини ҳимоя қилишда оқлов-ҳимоя идораларининг ва халқнинг ҳуқуқий билими савияси қандай эканлигини яхши биламан. Агар бу соҳада яқин ўртада жиддий ўзгариш ясалмаса тартиб ўрнатиш қийин.

Янги ишни, янги сиёсат юмушини янги одамлар қилиши керак, албатта. Ҳозирдан биз ёш авлодни келажак ишларига тайёрлаб бормас эканмиз, жуда қисқа вақт ичида ривожланишдан тўхтаб қоламиз. Бу борада Олий Кенгаш доимий комиссияси ва қўмиталари дастурлар тайёрлаб, тезлик билан қонунлар қабул қилиниши керак-ки, кадрларимиз жаҳон илмини пухта эгаллаб, уни Ўзбекистон заминига хизмат қилдирмоқлари даркор. Ҳар бир давлатнинг ривожланиш белгиси ундаги олим ва зиёлиларнинг кўплиги ва кучлилигидан далолат беради.

Ҳозир айрим партия раҳбар органларида эски коммунист раҳбарлар ўтирибди. Ўтиш даврида ҳар бир ижобий фикрдан фойдаланиш керак. Улар замонга қараб оёқ ташламаса, оқим уларни бир четга суриб ташлайди. Уларнинг баъзилари оқим тезлигини бироз сусайтириши, бўлиб юборишга уринишлари ҳам мумкин. Лекин оқимни, халқни тўхтата олмайдилар. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, 70 йиллик онгни бирданига ўзгартириш осон эмас.

— Ўзингиз ҳақингизда икки оғиз фикр айтсангиз.

— 1954 йилда туғилганман. Оилада 8 кишимиз. Ота, онам пенсиядалар. Оиламиз, бир фарзандим бор.

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

«Байроғингиз чиройли экан»

Қадимий ипак йўли бўйлаб ижодий сафарга чиққан японялик ҳамкасбимиз, тонготар мамлакатидаги энг йирик нашри «Асахи» рўзномасининг иқтисод шарҳловчиси Комано ЦУЁСИ Тошкентда бўлди.

— Мен Қозоғистон пойтахти Олмаотадан учиб келдим, — деди у махсус мухбиримизга. — Эртага Ашхободга учиб кетаман. Бу менинг юртингизга биринчи келишим, дастлабки танишувим. Буюк ипак йўли ўтган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши ҳақида оладиган тасаввурим асосида яқин келгусида Ўзбекистон ва МДҲга кирувчи шу минтақадаги бошқа мустақил давлатлар ҳақида туркум материаллар тайёрлаш режасини тузаман. Чунки, ипак йўлининг бир учи Японияга бориб тақалгани, шубҳасиз. Ўйлайманки, мен тайёрлайдиган материаллар ватандошларимни ҳам қизиқтиради.



— Цуёси-сан, Тошкент заминидаги биринчи таассуротингиз қандай бўлди?

— Қаерга борсам, аввало бозорга боришга одатланганман. Бозор — аҳоли турмуш тарзи, моддий аҳволининг рўй-рост кўзгусидир. Олой бозоридаги тўкинлик, ранг-баранглик диққатга сазовор. Ҳаммадан ҳам менга маъқул тушгани бу янги давлат байроғингиз бўлди. Чиройли, қараб қўз қувонади...

Комано Цуёси Ашхободга жўнаб кетиш олдидан «Ўзбекистон овози» ижодий жамоасини ва муштарийларини Наврўз билан табриклади. Эсдалик дастхати ёзиб қолдирди.

А. АБДУБАННОПОВ.

• *Янги нашрлар*

«МЕҲРИГИЁ»

Республикамиздаги рўзномалар сони яна биттага кўпайди. Наврўз куни Ўзбекистон Республикаси меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг нашри — «Меҳригиё»нинг дастлабки сони ўз ўқувчилари қўлига тегди. Рўзнома унда таъкидланганидек, меҳр-мурувватга, хайр-эҳсонга муҳтож, мискин-ғариб, ночор-нотавон кишилар армонини, оҳу-илтижоларини тинглаш, ўз саҳийлиги билан мунгли ва хаста қалбларга заррача бўлсада умид, шодухуррамлик бахш этишга аҳд қилган савобталаб кишилар жўмардлиги тарифу тавсифини келтиришдек хайрли ишга бел боғлаган.

Жамғарма раиси Шабот Хўжаев «Савобли иш» мақоласида инсонийлик ёрдамига муҳтож мискинларни топиб, уларга қилинаётган меҳрибонлик ва мурувват ҳақида ҳикоя қилса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Сабура Мирзаахмедова «Давлат иноятн» мақоласида нафақахўрларга қилинаётган гамхўрликларни фактлар билан кўрсатиб беради. Шунингдек, «Илмий меросимиз» «Ўтмиш сабоқлари» рукнлари остида ҳам қизиқарли мақолалар берилган.

Жамиятнинг халиди — инсонлар, фақирларнинг севиндиси.

Меҳригиё

1992 йил. 21 март. шанба. 1-сон.

Ўзбекистон Республикаси меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармасининг нашри

Баҳоси 1 сўм.

Одамлар бир-бирингизга яхшилик қилишга шошилинг!

«МЕҲРИГИЁ» РЎЗНОМАСИ МУШТАРИЙЛАРИ ВА УНИНГ ТАҲРИРИЯТИГА

Ализ дўстлар!

Рўзнома эрк ишидан ажралиб, мустақил нашрга айланиб, ижтимоий-иқтисодий мустақилликка эришмоқда. Ҳозирги кунда ўзбекистонликлар ҳаётида, ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликларнинг ичида, миллий қадриятларимизга ғиналишда ва айниқса, инсонга, меҳр-шафқат, саломатлик, инсоний муруватга фидоийларнинг жиддий ҳаракатлари ҳаётимизнинг ҳаётий ҳаракатлари ва ҳаётимизнинг ҳаракатлари ва ҳаётимизнинг ҳаракатлари ва ҳаётимизнинг

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

ХДП: одамлар орасида

ДИЛ АМРИ

● Миллий мустақиллигимизнинг баҳори жумҳуриятимизнинг ҳар бир ғўшаси сингари «Мевазор» маҳалласи фуқаролари ҳаётида ҳам унутилмас бўлиб қолиши, табиийдир. Наврўз туфайли бу ерда ғоятда ҳаяжонли учрашув бўлди. Кутлуғ кунда маҳалла аҳли ҳузурига элимиз орасида тобора ҳурмат топиб бораётган Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбариятининг вакиллари ташриф буюришди.

Наврўз шодиёнасига чорловчи карнай-сурнай наволари янграйди. Ҳамма ҳаяжонда. Дил сўзларини айтишга ошиқадилар.

— Ростини айтсам, — ҳикоя қилди меҳнат ва партия фахрийси Мирҳоди Маҳкамов, — маҳалламизда учрашувлар ўтказиш одат тусига кириб қолган. Шодиёна кунларни дўсту биродарлар билан биргаликда баҳам кўришга ўрганганмиз. Бу галги дилдан учрашувни ҳам интиқлик билан кутдик. Учрашувга Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакилларининг келиши алоҳида файз бағишлади. Менинг ўзим биринчилар қаторида Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим. Маҳалладошларимни ҳам партияга аъзоликка ўтишга даъват қилдим. Кўпчилик даъватимга қўшилишди.

Учрашувда кекса педагог И. Абдуллаев Наврўз ҳақида гапириб, ташриф буюрган меҳмонлар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Абдураимов, «Ўзбекистон овози» рўзномаси бош муҳаррири Р. Раҳмонов, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов райони ҳокими Ф. Раҳматуллаев билан маҳалладошларини таништирди.

Учрашувда М. М. Расулов сўзга чиқди.

— Сизларнинг ҳузурингизга келишдан олдин Сирдарё вилоятида бўлдим. Меҳнаткашлар билан самимий учрашувлар бўлди. Ҳамма ерда республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида эзгу ишлар қилинаётганлиги эътироф этилаётир. Наврўз ҳаммамиз учун қувончли келди. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Жаҳондаги юздан зиёд давлатлар мустақиллигимизни тан олдилар. Шундай қувончли дамда халқ орасида партиямизнинг ҳурмати, ишончи, эъзози ортиб бораётганлигини ҳис этиш, айниқса ёқимлидир. Республикамиз Президенти, партиямиз Раиси И. Каримов амалга ошираётган кенг кўламли ишларни рўёбга чиқаришда унга мададкор бўляпмиз. Одамларимизни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишда енг шимариб иштирок этмоқдамиз.

Партия тузилмалари фаолиятини жонлантиришга эътиборни кучайтириш шу куннинг энг муҳим масаласидир, деди у сўзини давом эттириб. — Айниқса, маҳаллаларда партия ташкилотлари тузилишига диққат-эътиборни қаратмоқдамиз. Чунки, бундай партия ташкилотлари халқнинг ташвишига шерик бўлишда, уларнинг хоҳиш-иродаларини рўёбга чиқаришда катта куч. Бу борада сизларнинг тажрибангиз бизда катта иштиёқ уйғотди. Тошкент шаҳридаги 360 дан зиёд маҳаллада ҳам шундай жонкуярлар сафи янада кенгайишини истар эдик.

М. М. Расулов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наврўз байрами муносабати билан ўз туҳфаларини меҳнаткашларга топшираётганини хабар қилди. У бу маҳаллага тўю маъракаларда ишлатиладиган катта самоварни туҳфа сифатида топширди. Маҳалла аҳли бу хушхабарни катта қувонч билан кутиб олди.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси бош муҳаррири Р. Раҳмонов ўз сўзида яшариш, янгиланиш ва покланиш байрами — «Наврўз» жумҳуриятимизда нақадар кўнгилдаги руҳ билан ўтаётганлигини таъкидлади. Халқимиз бошидан кечираётган қийин дамларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фуқаролар ўртасида дўстлик, меҳр-оқибат, аҳиллик учун олиб бораётган фаол ишини фахрланиб сўзлади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Ҳ. Абдураимов республикамиз пойтахтида, хусусан, Собир Раҳимов районида тузилаётган ҳудудий бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янада кучайтириш масалаларига йиғилганлар эътиборини қаратди.

«Мевазор» маҳалласи қўмитаси раиси Я. Иброҳимов сўзга чиқиб, ХДП ҳуррият партияси, партия ходимлари ва журналистларини жумҳуриятимиз Президентининг камарбасталари деб атади. Уларга эзгу ишларида ютуқлар тилаб, меҳмонларга самимий ташаккур билдирди.

Маросимда ХДП Собир Раҳимов район кенгаши биринчи котиби Ш. Асомов иштирок этди.

Учрашувдан сўнг маҳалла партия ташкилоти котиби З. Ғуломов билан суҳбатлашдик. У маҳаллада ХДПнинг 30 аъзоси рўйхатдан ўтганлигини мамнуният билан айтди. Партия фахрийлари — ХДП аъзолари — Ашрафхон Қурбонов, Убайдулла Алимов, Норхўжа Саидхўжаев, Самад Мажидов, Наби Тўлаганов маҳалланинг барча ишларида фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг сафига ёшлар ҳам қўшилиши, шубҳасиз. Навбатдаги йиғилишда аъзоликка қабул масалалари алоҳида кўриб чиқилади.

Чиндан ҳам пойтахтнинг Собир Раҳимов районидаги «Мевазор» маҳалласида тузилган партия ташкилотининг ибратли тажрибаси кенг тарғиб этишга сазовордир.

А. АБДУБАННОПОВ,
Ҳ. СУЛТОНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ЖАҲОН БАЗМИН БЕЗАР БИР СЕНИНГ СЎЗИНГ

(Боши биринчи бетда).

Яна мусиқа янграйди. Бу гал севимли хоананда Маҳбуба Ҳасанова куйлайди.

Наврўз — деҳқонлар байрами. Худди шу куни улар далага чиқадилар, уруғ сочадилар, бу йилги ҳосилнинг мўл бўлишига тилак билдирадилар. Наврўз айёмида иштирок этган Тошкент районидаги М. Фозилов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон халқ ноиби, «Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг аъзоси Сиддиқ Муҳаммаджонов шу ҳақда гапирди.

Саҳнада дўмбира овози ўзгача таралади. Томошабинлар сурхондарёлик Шоберди бахшининг термаларини берилиб тинглайдилар.

— Халқимиз Наврўзни ғоят қадимдан нишонлаб келишган, — дея сўзини бошлади «Ўзбекистон овози» собиқ муҳаррирларидан бири, «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» Иброҳим Раҳим. — Ишонмасаларингиз ана ҳайқириб оқаётган Амударёдан, Сирдарёдан сўранглар. Улар ҳаммасига гувоҳ.

Халқ ёзувчисининг фикрини наманганлик хушовоз хоананда, Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев ўз қўшиқларида давом эттирди.

Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори Зикир Муҳаммаджонов табрик сўзини айтиши билан томошабинлар ҳар галгидек қаҳрамон монологини орзиқиб кутишарди. Севимли актёримиз уларнинг сўзларини бенасиб қолдирмади.

Юнус Ражабий номидаги мақомчилар дастаси хушовоз хонандаси Изро Малақов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори Гулпорсин Сиримбетова, хоразмлик севимли хонанда Каримбой Раҳмонов ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан байрам файзига файз киритдилар.

Мушоира бошланади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори, Ўткир Ҳошимов мустақилликка эришган Ўзбекистон одимлари ҳақида ғурур билан сўзлайди. Ўзбекистон халқ шоири, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ноиби Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти совриндори Ҳалима Худойбердиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Жуманиёз Жабборовнинг баҳор байрами хусусидаги шеъру ғазаллари янгради.

Байрам шодиёналарида рўзномамиз ҳомийлари ҳам фаол иштирок этдилар. Улардан бири Қўқон ўрмон хўжалигининг директори Мансур Хўжаев сўз олиб, жамоа қўлга киритаётган муваффақиятлар ҳақида тўхталади. Унинг «Ўзбекистон овози» рўзномаси ҳисобига 100 минг сўм маблағ ўтказганлиги одамлар ўртасидаги меҳр, оқибат, диёнат, муҳаббат тобора ортиб бораётганлигидан дарак беради. Худди шу куни байрам шодиёналари орасида Жиззах устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Эшмурод Нормаматов ҳам 50 минг сўм ўтказганлиги ҳақидаги шартномага имзо чекди.

Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Наима Пўлатованинг табрик ва қутловлари — сўз ва ашула янграйди.

Саҳнада Ўзбекистон халқ артисти Турсуной Мамедова пайдо бўлади.

— Мен ҳозиргина Наманганданетиб келдим, — дейди хушовоз хонанда. — Сиз азиз томошабинларга хизмат кўрсатаётганимдан мамнунман. Мен яна шунинг учун бахтлиманки, халқ артисти деган нишонни республикамизнинг мустақиллиги йўлидан дадил одиб бораётган Президентимиз Ислом Каримов қўлидан олганман. Севимли хонанда халқ ашулаларини меҳру муҳаббат билан куйларкан, шу сония темир изларнинг бўйлаб бораётган трамвайлар секинлади, тўхтади, одамлар қулоқ тутишди, ниҳоят, яқинроқдан тинглашмоқчи бўлишиб томошабинлар тизимини кўпайтиришди.

Яхши қўшиқнинг фидойиси бўлсанг арзийди.

Одамлар меҳрини фақат ҳалол меҳнат билан забт эта олиш балки шундандир.

Фарғоналик хонанда Маъмуржон Тўхтасинов гоҳ ҳазил, гоҳ қувноқ қўшиқ ижро этганида ҳам одамлар кўнглидан худди шу ўй чатнаб ўтди.

Саҳнада ўзбек адабиётининг фахри ва кўрки — Абдулла Қодирий — Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндори Ёдгор Саъдиев пайдо бўлади. У байрам иштирокчиларини Наврўз билан қизғин қутлайди ва бу йилгинга ўз қаҳрамонлари билан иштирок этаётганлигини фахр билан билдиради. Ҳа, адиб ёнида Обид кетмон — актёр Пўлат Носиров, Отабек — актёр Беҳзод Муҳаммадкаримов, Кумуш — актёр Шоҳида Исмоилова кўтариладилар. Йиғилганлар адиб ва унинг севимли қаҳрамонларини олқишлаб кутиб оладилар.

Байрам айёмида «Ўзбекистон овози» рўзномаси муштарийларининг сафини янада кўпайтиришга хизмат қилган ва бу ишга бош-қош бўлган ғолиблар фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Мукофотларни рўзнома бош муҳаррири Р. Раҳмонов топширди. Сайилда 1991 йилнинг фаол муаллифлари — ёзувчилар ва олимларнинг номлари қайд этилиб, олқишланди.

Байрам байрамга уланиб кетди. Умар Ҳайём айтганидек, байрам куни ҳар бир иштирокчининг сўзи жаҳон базмини безаган бўлди. Шу куни республикамизнинг ҳар бир масканида байрам шодиёналари тонгга қадар давом этди.

М. ПИРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

МУҲАРРИРИЯТДАН: «Ўзбекистон овози» рўзномаси муҳарририяти Наврўз байрамини ўтказишда беминнат ва амалий ёрдам берганликлари учун Тошкент шаҳар Октябрь район ҳокимияти, ХДП Октябрь район кенгаши фаолларига, Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри, «Гулистон» ресторани, Тошкент шаҳар саноат, озиқ-овқат, китоб савдоси идоралари раҳбариятига ҳамда байрамда ўзларининг хушовоз қўшиқлари, рақслари, куйлари билан иштирок этган барча дасталар жамоаларига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиради.

«Наврўз» қувончлари аримасин, қизалоқ. В. МОЛГАЧЕВ олган сурат-лавҳа.

ШОДИЁНА

Тошкент райони маркази гавжум. Олдинлари атай уюштириб, намойишчилар «қизил» қичқириқлар билан ўтадиган ерда манзара ўзгача. Атроф гулзор, дастурхонлар ёзиғлиқ. Келес шаҳри ва район хўжаликлари вакиллари, жангоҳлардан омон қайтган, меҳнатда эътибор топган отахон ва онахонлар, ёшлар, болалар Наврўзни қаршилаш учун йиғилишган.

Наврўз тантанасини Тошкент райони ҳокими Рустам Акбаров очиб, йиғилганларни улуғ айём билан табриклади. У район аҳли табаррук байрамга қандай ҳозирлик билан келгани ҳақида сўзлаб берди.

Мустақил Ўзбекистон халқи тинчлиги ва фаровонлиги, Президент И. А. Каримов бошлиқ ҳукумат ҳақига раҳмат ёғилди. Узоқ яқиндан келган меҳмонларга қутлов сўзлари айтилди.

Қўлбола саҳна ўзбек келинчакдек безатилган. Чевар опа-сингилларимиз қўлидан чиққан сўзана, палаклар жилосидан кўз қамашади. Ёр-ёр айтиб келган янгалар мустақиллик Наврўзи нишонланган йилда турмуш қурган келин-куёвларни муборакбод этишади.

Жажжи қизалоқлар рақси, доирачи болалар санъати ҳаммани ўзига қаратди. Таниқли хонанда Комилжон Баротов, истеъдодли қўшиқчи Маҳмуджон Азимов ва бошқалар ижро этган ашулалар тантана қатнашчилари завқига завқ қўшди.

Қўшни қон-қардош республика — Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан келган меҳмонлар номидан Сариоғоч райони ҳокимаси Орзигул Асамғозиева тошкентликларни чин дилдан қутлади ва рўшнолик тилади. Тантана иштирокчиларига беминнат совға-саломлар, ҳадялар, анвойи гуллар улашилди.

А. АБДУБАННОПОВ,

Ҳар тунунг қадр улубон,
Ҳар кунинг ўлсин
Наврўз.

САВОБЛИ ИШ

Пештоқига ушбу сатрлар ёзилган бино ҳовлиси одамлар билан гавжум. Оппоқ дастурхонлар тўшалган столлар атрофида «Кўкча», Ильич номли маҳаллаларидан келган вакиллар, оқ ҳалатли меҳнат фахрийлари. Карнай-сурнай садолари Ибн Сино номли I-шаҳар клиник шифохонасида умумхалқ байрами Наврўз нишонланаётганидан дарак беради. Тиббиёт ходимларини Янги йил билан табриклаган шифохона бош врачи Мурод Қодиров аҳолининг соғлиғини сақлашда жонбозлик кўрсатаётган Хосият Мирзаева, Жамила Иноғомова, Дина Больдирева, Абдусаттор Ғуломов сингари қўли енгил шифокорлар номини фахр билан тилга олди.

Байрам баҳона бир қанча савобли ишларга қўл урилди. Жумладан, Абдумутал Алиев, Ноила Гараева кабилар хотирасига ҳурмат бажо этилди. Уларнинг оилаларига, кам маош олувчи ўн нафар шифокорга моддий ёрдам кўрсатилди. Улар орасида санаторийларга бепул йўлланма олганлар ҳам бор.

Шифохона жамоаси шу куни Наврўз ҳайрия фондига 35 минг сўм ўтказди.

А. МАННОПОВ.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

ЧОРШАНБА, 25

● УзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Оғаҳий юртдошлари». 8.45 «Ҳандақ». Қўғирчоқ театрининг спектакли. 9.25 «Ёшлик». 10.00 Халқлар Дўстлиги саройидан Ўзбекистан агросаноат мажмуи ходимлари қурултойининг очилиши олиб кўрсатилади.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Чин дўстлар». Мультфильм. 18.20 «Ёшлик оқшоми». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Тижорат канали: «Тадбиркорлар ҳузурида». 19.50 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Мирзаабдулло Раҳмонов. 20.10 Тижорат хабарлари. 20.15 «Долзарб мавзу». 20.30 «Ўзбекистон».

● УзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». 19.20 «Мусиқий меҳмонхона». 19.50 «Тагиль гулдастаси». 20.00 «Спринт». 20.20 «Кулиб боқ, кичкинтой». 21.20 «Боқий санъат. 22.00 «02» тўлқинида. 22.20 «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 «Болалар мусиқий клуби». 9.15 Қадимий саҳий эртаклар. «Олтин пилапояларда ўтирардилар...». 10.25 «Қирол қизиқчиси Йорик хотираси». 11.00 «Бряйн-ринг». 12.00 Янгиликлар. 12.25 Телефильм. 12.45 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 13.25 «Фермата». 13.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 14.10 «Ён дафтар». 14.15 «Телемикст». 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.55 «Трускавецга ким боради». Бадиий фильм. 17.05 «Иккинчи қаватдаги саккизоёқлилар». Бадиий фильм, 3-серия. 18.00 Янгиликлар. 18.25 «Польша тажрибаси — Россия учун». 18.55 Мультфильм. 19.10 «Ҳаммаси жойида...» Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Қора қути». 22.05 «Фермата». 22.35 «Сеанслар орасидаги сеанс».

● ДУБЛЬ IV

8.00 Хабарлар. 8.20 Немис тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер». 9.05 Немис тили. 9.35 «Севги изҳори». 9.50 Фольклор. «Номаълум маданиятлар». 10.45 Ҳужжатли панорама. «Йўл». 11.35 Театр сафари. «Омадсиз йиғлайверсин...». 12.30 «Кичкинтой Наполеон III». Бадиий фильм. 13.40 Деҳқонларга таалluқли масала.

15.55 «Зумрад шаҳар сеҳргари». Мультфильмлар. 5 ва 6-сериялар. 16.40 Болалар соати. 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.20 ТрансРосэфир. «Узоқ Шарқ». 19.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Авто». 19.20 «Жаноблар — ўртоқлар». 19.40 «Танаффус». 19.55 Парламент хабарномаси. 20.20 «Ҳар бир кун байрам». 20.30 Халқаро театр кунига. «Катта драма театри: кеча, бугун, эртага...». 21.25 «Сизга тилагим...». Бадиий фильм. 22.00 Хабарлар. 22.20 Рақс марафони. 23.00 Вариацияли мавзу. «Марфо-Марин жамияти» фойдасига хайрия кечаси.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЖИЗЗАХ МОЛ, ХОМ-АШЁ БИРЖАСИ

ҲАМКОРЛИК САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1992 йилнинг 27 март куни соат 10.00 да Юнус Ражабий номли вилоят мусиқали драма театри биносида Жиззах МОЛ, ХОМ-АШЁ БИРЖАСИнинг ҳамкорликда ташкил этадиган «Ким ошди» савдоси бўлади.

Савдога Самарқанд, Навоий, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Қарши биржаларининг, шунингдек, жумҳуриятимиздан ташқаридаги кўпгина биржаларнинг ходимлари ҳамда брокерларини

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

«Ким ошди» савдосига кенг ассортиментдаги халқ истеъмоли моллари, турли маркадаги автомашиналар, тракторлар, экскаваторлар, чет элда ишлаб чиқарилган компьютерлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қурилиш ашёлари ва бошқа кўпгина ускуналар қўйилади.

«Ким ошди» савдосида корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамда барча ишбилармонлар ҳам қатнашишлари мумкин.

СИЗЛАР САВДОДА БРОКЕРЛИК ЎРИНЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Манзилгоҳимиз: Жиззах шаҳри, А. Навоий кўчаси, 4-«а» уй, вилоят давлат таъминоти бошқармаси биноси, 2-қават.

Телефонлар: 3-72-15, 3-86-81, 3-88-60.

Телефакс: 3-84-52.

Тошкент шаҳрида ширкат усулида қурилган (пули тўланган) бир хонали квартира

ШОШИЛИНЧ СОТИЛАДИ

Телефонлар: ишхонада — 33-65-46, уйда —29-61-35.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Тафтиш комиссияси ушбу комиссия аъзоси, Ўзбекистон Фанлар Академияси электроника институтининг директори Ў. Расуловга отаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Ҳасан Ғофурович РАСУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент маданият техникуми жамоаси техникумнинг кекса ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси театр арбоблари уюшмасининг аъзоси А. Дадаевга ўғли

ШУҲРАТнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади, оғир жудолик кунларида унга сабр-бардош, мустаҳкам ирода тилайди.

Тошкент давлат консерваторияси жамоаси ва раҳбарияти иқтидорли талаба, мусиқашунос

Шуҳрат ДАДАЕВнинг

бевақт вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг отаонаси, қариндош уруғларига ва курсдошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти мева-сабзавотчилик бирлашмаси ходимлари шу жамоа раиси В. Н. Носировга укаси

Мухторжон Нозимжонович НОСИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектелефильм» студияси жамоаси етакчи муҳандис А. Норхўжаевга онаси

Анвархон САИДНАБИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи раҳбарияти, автотранспорт куллиёти, автосервис ва ресурсларни тежаш ҳамда автомобиллардан техник фойдаланиш шўъбалари жамоалари олийгоҳ доценти И. Умаровга отаси

Козимжон ХОЖИ УМАР УҒЛИнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисоднёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 59.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.